

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc. 27.06.2017.ФМ.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЯДРО
ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

ТОШПЎЛАТОВ САЪДУЛЛА МАМАРАЖАБОВИЧ

**НОГЕЙЗЕНБЕРГ МОДЕЛЛАРИДА ИККИ МАГНОНЛИ СИСТЕМА
ЭНЕРГИЯ ОПЕРАТОРИНИНГ СПЕКТРАЛ ХОССАЛАРИ**

01.01.01 – Математик анализ

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Физика-математика фанлари доктори (DSc)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора физико-математических наук (DSc)**

**Contents of the dissertation abstract of doctor (DSc)
on physico-mathematical sciences**

Ташпулатов Саъдулла Мамаражабович Ноейзенберг моделларида икки магнонли система энергия операторининг спектрал хоссалари.	3
Ташпулатов Саъдулла Мамаражабович Спектральные свойства оператора энергии двухмагнонных систем в негейзенберговских моделях.	27
Tashpulatov Sadulla Mamarajabovich Spectral properties of the energy operator of two-magnon systems in the non-Heisenberg Models	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.ФМ.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЯДРО
ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

ТОШПЎЛАТОВ САЪДУЛЛА МАМАРАЖАБОВИЧ

**НОГЕЙЗЕНБЕРГ МОДЕЛЛАРИДА ИККИ МАГНОНЛИ СИСТЕМА
ЭНЕРГИЯ ОПЕРАТОРИНИНГ СПЕКТРАЛ ХОССАЛАРИ**

01.01.01– Математик анализ

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM56 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Фанлар академияси ядро физика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://fti-kengash.uz/>) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Расулова Муҳайё Юнусовна физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Лақаев Саидахмат Норжигитович физика-математика фанлари доктори, академик Ғанихўжаев Расул Набиевич физика-математика фанлари доктори, профессор Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Россия Фанлар Академияси В. А. Стеклов номидаги математика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги Dsc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «27» сентябрь соат_10³⁰_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nu.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2018 йил «14» сентябрь куни тарқатилди.
(2018 йил «14_» сентябрь__даги № _7 рақамли реестр баённомаси)

А.С. Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

В.И. Чилин
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда чегараланган ёки чегараланмаган ўз-ўзига қўшма операторларнинг спектрал анализи масалаларига келтирилади. Квант механикасида асосий математик объектлар гильберт фазосида таъсир этувчи чегараланмаган ўз-ўзига қўшма оператор (гамильтониан) лардан иборатдир. Бундай гамилтонианларнинг нуқтавий спектри эса физик системанинг боғланган ҳолатларининг энергетик сатҳларига мос келади. Аниқ бир физик системалар гамилтонианларининг спектрал хоссаларини тадқиқ қилиш назарий физикада муҳим масалалардан биридир. Қаттиқ жисмлар физикаси, квант механикаси моделларида ва статистик физикада учрайдиган панжарадаги заррачалар системасининг гамилтонианларига мос келадиган Шредингер операторларини ўрганиш замонавий математик илмнинг долзарб муаммоларидан саналади.

Ҳозирги кунда жаҳонда панжарадаги кўп заррачали системалар гамилтонианларига мос дискрет Шредингер операторларини спектрал хоссаларини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда муҳим натижалар ногейзенберг ва ногейзенберг аралашмали моделларидаги икки магнонли системалар энергия операторларининг спектрал хоссаларини тавсифлашда олинди. Гейзенберг ва ногейзенберг аралашмали моделларида бир магнонли система энергия операторининг, ногейзенберг ферромагнит моделида икки магнонли система энергия операторининг спектрини ўзаро узок таъсирларда ўрганиш ва ўзаро узок таъсирларнинг системанинг спектрига таъсирини ўрганиш математик илмнинг бу соҳадаги долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Гейзенберг ва ногейзенберг аралашмали моделларида икки магнонли система энергия операторининг муҳим ва дискрет спектрини тадқиқ қилиш, хос қийматлар сони учун баҳолар олиш операторлар назариясида мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган статистик физика ва квант механикаси, қаттиқ жисмлар физикасининг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан Шредингер операторлари назарияси масалаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. «Функционал анализ, математик физика, квант механикаси ва статистик физика» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазибалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Қарор ижросини таъминлашда дискрет Шредингер операторлари муҳим ва дискрет спектрларини тадқиқ этишни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Кўп заррачали системаларнинг спектрал хоссаларини ўрганиш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Москва давлат университети, Россия ФА математика институтининг Санкт-Петербург бўлими, Санкт-Петербург давлат университети, Нижний-Новгороддаги радиофизика илмий-текшириш институти, Украина миллий ФАнинг физика институти (Киев), Россия ФАнинг Москвадаги Ландау номли назарий физика институти, Россия ФА ахборотларни узатиш муаммолари институти, Universität Innsbruck (Австрия), University of Missouri, Princeton University, Harvard University (АҚШ), Université Paris Nord (Франция), Kyoto University ва Tokyo Metropolitan University (Япония), Indian National Science Academy, Япониянинг Ибараки университети, Оксфорд университети, University of Nantes (Франция), Берлин техника университети, Universität Mainz (Германия), University Roma (Италия), Калифорния университети, University of Basel (Швейцария), Universität Zürich (Switzerland), Мичиган университети, University of Pennsylvania, Academia Sinica, Hokkaido University, Страсбург ва Юта университетлари, Universiti Kuala Lumpur (Малайзия), Торонто университетида олиб борилмоқда.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Arkiv Mathematics Astronomis, www.springer.com/journal/11512; Теор. и мат. физика, www.mathnet.ru/tmf; Физика низких температур, www.fntr.ilt.kharkov.ua; Phys. Rev., www.journals.aps.org/pr/; Infin. Dimens. Anal. Quantum. Probab. Relat. Top.; www.worldscientific.com/worldscinet/idaqp; Матем. Сборник www.mathnet.ru/msb; Canadian Journal of Physics, www.nrcresearchpress.com/journal/cjp; Journal of Annals of Physics, www.journals.elsevier.com/annals-of-physics; Journal of Mathematical Physics, www.aip.scitation.org/journal/jpm; Journal of Funct. Anal., www.journals.elsevier.com/journal-of-functional-analysis/; Физика металлов и металловедение, www.impo.imp.uran.ru/fmm/; J. Comm. Math. Physics, www.link.springer.com/journal/220 манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Икки магنونли системалар гамильтонианларининг спектри ва боғланган ҳолатларини тадқиқ қилишга оид дунёда олиб борилган изланишлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан қуйидаги натижалар олинган: Бир ўлчовли Гейзенберг изотроп ферромагнетик моделида ўзаро кўшни атомларгача бўлган таъсирда икки магنونли системалар боғланган ҳолатларга эга бўлиши исботланган (Страсбург университети, Германия), ихтиёрий ўлчовли панжарада Гейзенберг изотроп ферромагнетик моделида ўзаро кўшни атомларгача бўлган таъсирда икки магنونли системаларнинг спектри ўрганилган ва системанинг боғланган ҳолатлари сони топилган (University of California), бир ўлчовли Гейзенберг изотроп ферромагнетик моделида ўзаро кўшни ва иккинчи кўшни атомларгача бўлган таъсирда икки магنونли системалар спектри тадқиқ қилинган (Indian National Sciences Academy, Tokyo Metropolitan University, Харьков давлат университети), бир ўлчовли Гейзенберг изотроп ферромагнетик моделида учинчи кўшни атомларгача бўлган таъсирда системанинг тўлиқ квазиимпульсининг баъзи бир қийматларида икки магنونли системалар спектри тадқиқ қилинган (Ўзбекистон миллий университети), икки ва уч ўлчовли панжараларда икки магنونли системалар спектри ва боғланган ҳолатлари Гейзенберг ферромагнетларида кўшни ва иккинчи кўшни атомларгача бўлган таъсирда тадқиқ қилинган (Ўзбекистон республикаси фанлар академияси ядро физикаси институти, Тошкент); Гейзенберг ва ногейзенберг аралашмали моделларида бир магنونли системанинг спектри ва локал аралашмали ҳолатлари ўрганилган, локал аралашмали ҳолатларнинг мавжуд бўлиш шартлари, уларнинг мавжудлик соҳалари, бу локал аралашмали ҳолатларнинг сони, энергияларининг айланиш қарраликлари, ҳамда уларнинг узлуксиз спектрга нисбатан жойлашишлари, бир ўлчовли ҳолда эса бу локал аралашмали ҳолатлар энергияларининг қийматлари топилган (Ўзбекистон республикаси фанлар академияси ядро физикаси институти, Тошкент).

Дунёда бугунги кунда, панжарадаги икки ва уч заррачали системаларга мос Шредингер операторлари спектрини тадқиқ қилиш бўйича бир қатор, жумладан: панжарадаги икки заррачали системаларга мос Шредингер операторлари хос қийматлари сони, бу хос қийматларнинг айланиш қарраликлари, панжарадаги уч заррачали системаларга мос Шредингер операторларининг муҳим спектрини тавсифлаш, бу операторларнинг хос қийматлари мавжудлиги, улар сони учун қуйи ва юқори баҳолар олиш, дискрет спектрнинг чекли ёки чексизлигини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қаттиқ жисмлар физикаси, квант механикаси, статистик физика, квант майдонлар назарияси, атом ва молекуляр физиканинг кўпгина масалалари Шредингер операторларини ўрганишга келтирилади. Узлуксиз ва дискрет Шредингер операторлари, ҳамда Фридрихс моделлари учун дискрет спектр мавжудлиги, хос қийматларнинг дискрет спектр атрофидаги ёйилмалари, ўзаро таъсир константасининг бўсағавий қийматларини аниқлаш масалалари М.Клауз, Б.Саймон, Е.Л.Лакштанов, Р.А.Минлос, С.Н.Лакаев, К.Макаровларнинг

ишларида ўрганилган. Бир магنونли системаларни Гейзенберг ва ногейзенберг аралашмали моделларида қаралганда, бу системаларга мос келувчи операторларнинг таъсири квазиимпульсли кўринишда умумлашган Фридрихс модели билан тавсифланади. Фридрихс модели илк бор К.О.Фридрихс ишларида қаралган. Кейинчалик эса О.А.Ладыженская ва Л.Д.Фаддеев, Л.Д.Фаддеев ишларида ривожлантирилган. Б.С.Павлов ва С.В.Петрасларнинг ишида сингуляр спектри чексиз бўлган операторга мисол қурилган. Операторнинг сингуляр спектрининг чекли бўлишлигининг янада аниқроқ шарти С.Н.Набоко ва С.И.Яковлевларнинг ишида берилган. Умумлашган Фридрихс моделининг спектрал хоссалари О.А.Ладыжинская ва Л.Д.Фаддеев, С.Н.Лакаевларнинг ишларида ўрганилган, чизикли операторларнинг кўзғалишлар назариясининг ўзи Т.Като, К.О.Фридрихсларнинг китобларида муфассал баён қилинган.

Икки магنونли система бир ўлчовли Гейзенберг изотроп ферромагнетик моделида илк бор Х.А.Бетъенинг ишларида ўрганилган. М.Уортис ўлчови ихтиёрий бўлган панжарада икки магنونли системани қараган ва бу системанинг боғланган ҳолатларини ўрганган. Икки магنونли системанинг спектри ва боғланган ҳолатлари Ф.Дайсон, В.Г.Барьяхтар, И.В.Барьяхтар, В.В.Вальков, А.И.Могильнер, И.Г.Гочев, Р.Силберглетт, Ж.Б.Торранс, Д.С.Маттис ва бошқа авторларнинг ишларида ҳам ўрганилган. И.Г.Гочев, С.К.Маюмдар, И.Оно, С.Микадо ва Т. Огучиларнинг ишларида икки магنونли система бир ўлчовли Гейзенберг ферромагнетида ўзаро қўшни ва иккинчи қўшни атомларгача бўлган таъсирда ўрганилган. Ногейзенберг ферромагнетикларининг хоссалари Ю.М.Сеидов, А.А.Бровин, Х.Х.Чин ва П.Леви, Р.Микнас, Д.А.Пинк, Р. Беллард, П.Тремблей ва бошқа авторларнинг ишларида ўрганилган. Магنونлар аралашма билан биргаликда Гейзенберг ва ногейзенберг моделларида Ю. А.Изюмов ва М.В.Медведев, Ю.Г.Окладной ва А.В.Кравченко, И.Оно ва Ю. Ендо, Б.Я.Благунов ва В.Г.Вакс, В.В.Ганн, Л.Г.Зазунов ва бошқа авторларнинг ишларида ўрганилган.

Уч заррачали узлуксиз Шредингер операторлари спектрал анализининг ажойиб натижаларидан бири бу системада Ефимов эффектининг мавжуд бўлишини исботланишидан иборатдир. Бу эффектнинг моҳияти шундан иборатки, кучсиз таъсирлашувчи уч заррачали системада уч заррачали узлуксиз спектрнинг чеккасида шу узлуксиз спектрнинг чеккасининг ўзида тўпланувчи чексиз кўп сондаги хос қийматлар пайдо бўлиши мумкин. Ефимов эффектининг мавжудлиги Р. Д.Амадо ва Ж.В.Ноблиларнинг ишларида амалга оширилган. Ефимов эффектининг мавжудлигининг изчил математик исботига эса С.А.Вугальтер ва Г.М.Жислин, Д.Р.Яфаев, А.В.Соболев, Ю.Н.Овчинников, И.М.Сигал, Х. Тамураларнинг серия ишлари бағишланган. Уч ўлчовли ҳол учун Д.Р.Яфаев Ефимов эффектининг изчил математик исботини берди. Гейзенберг гамильтонианида икки магنونли система энергия операторининг спектрини тадқиқ қилиш масалаларида кўп ишлар қилинган бўлсада, Гейзенберг ва ногейзенберг изотроп ферромагнетик аралашмали моделларида икки магنونли система энергия операторининг спектри, локал аралашмали ҳолатларини ўрганиш

масаласи ҳалигача муаммо бўлиб келмоқда. Ногейзенберг изотроп ферромагнетик моделида ўзаро қўшни, ўзаро қўшни ва иккинчи қўшни, худди шунингдек, то учинчи қўшни атомларгача бўлган ўзаро таъсирларда икки магнонли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатларини ўрганиш масаласи ҳалигача ечилмаган масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бундан ташқари, ўзаро узоқ таъсирларнинг мос операторлар спектрига қандай таъсир қилиши масаласи ҳал қилинмаган. Гейзенберг ва ногейзенберг ҳолларида мос системалар спектрининг ўзгариш картинаси қандай фарқ қилиши масаласи ҳам ойдинлаштирилмаган. Мавжуд ишларнинг таҳлилидан келиб чиқиб айтиш жоизки, ногейзенберг изотроп ферромагнит моделида икки магнонли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатларини тадқиқ қилиш масаласи ўз ечимини топишдан йироқдир. Бу муаммоларни бартараф этиш уларга бутунлай янгича ёндашувни талаб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўз. РФА ядро физикаси институтининг Ф 2.1.56. «Кўп заррачали системалар физик хоссаларини тадқиқ қилишнинг математик методларини яратиш» (2004-2007 йиллар), ФА. Ф1-Ф003+Ф067 «Кўп заррачали системаларнинг квант динамикаси, операторлар алгебрасида ноассоциатив ва топологик структуралар» (2007-2011 йиллар), Ф2-ФА-Ф 116 «Кўп заррачали системаларнинг кинетик ва магнит ва фаза ўтиш хоссаларини тадқиқ қилиш, ва эмирилиш бўсағаси яқинида уларнинг динамикаси» (2012-2016 йиллар) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ν – ўлчовли панжара Z^{ν} да изотроп аралашмали ферромагнит Гейзенберг моделидаги, худди шунингдек, ногейзенберг аралашмали изотроп ферромагнит моделидаги икки магнонли система энергия операторининг муҳим спектри структурасини ва дискрет спектрини тавсифлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Гейзенберг ва ногейзенберг изотроп ферромагнит аралашмали моделларида бир магнонли система энергия операторининг спектри ва локал аралашмали ҳолатларини тавсифлаш;

Ногейзенберг изотроп ферромагнит моделида ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда икки магнонли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатларини тавсифлаш;

Ногейзенберг изотроп ферромагнит моделида ўзаро қўшни, иккинчи ва учинчи қўшни атомларгача бўлган таъсирда икки магнонли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатларини тавсифлаш;

аралашмали изотроп Гейзенберг ва ногейзенберг моделларида икки магнонли система гамильтонианининг боғланган ҳолатлари, локал аралашмали ҳолатлари ва сочилган ҳолатларини тавсифлаш;

Гейзенберг изотроп аралашмали ферромагнит моделида, худди шунингдек, ногейзенберг изотроп аралашмали ферромагнит моделида икки

магنونли система энергия операторининг муҳим спектри структураси ва дискрет спектрини ν -ўлчовли панжара Z^ν да тавсифлаш;

Тадқиқотнинг объекти ногейзенберг моделларидаги икки магنونли системалар, Гейзенберг аралашмали моделидаги бир магنونли система, ногейзенберг аралашмали ферромагнит моделидаги бир магنونли система, Гейзенберг аралашмали моделидаги икки магنونли система, ногейзенберг аралашмали ферромагнит моделидаги икки магنونли система, дискрет Шредингер оператори, ўз-ўзига қўшма операторларнинг дискрет, узлуксиз ва муҳим спектрлари, боғланган ҳолатлар ва локал аралашмали ҳолатлардан иборатдир.

Тадқиқотнинг предмети панжарадаги аралашмали ферромагнетик Гейзенберг ва ногейзенберг моделларида икки магنونли система гамильтонианларининг спектрини тадқиқ қилиш масалаларини ечишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида матрицалар назарияси, Гильберт фазосидаги чизиқли операторлар назарияси, Фурье алмаштириши, интеграл тенгламалар назарияси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

изотроп аралашмали ферромагнетик Гейзенберг моделида бир магنونли система энергия оператори ν -ўлчовли бутун сонли панжара Z^ν да учтадан кўп бўлмаган типдаги локал аралашмали ҳолатларга эга бўлиши ва улар мос равишда, айнамаган, ν -каррали ва $(\nu-1)$ -каррали айниган бўлиши исботланган, бу локал аралашмали ҳолатлар энергиялари ҳар доим системанинг узлуксиз спектрига нисбатан бир томонда ётиши шартлари топилган;

изотроп аралашмали ферромагнетик ногейзенберг моделида бир магنونли система энергия оператори учтадан кўп бўлмаган типдаги локал аралашмали ҳолатларга эга бўлиши ва улар мос равишда, айнамаган, ν -каррали ва $(\nu-1)$ -каррали айниган бўлиши ва бу энергиялар мултипол ўзаро таъсир параметрларига ва спиннинг қийматига боғлиқ бўлиши исботланган;

анизотроп аралашмали ферромагнетик ногейзенберг моделида бир магنونли система энергия оператори қўшимча локал аралашмали ҳолатларга эга бўлиши ёки изотроп ҳол билан таққослаганда ўзининг локал аралашмали ҳолатларини йўқотиши мумкинлиги, шу билан биргаликда, бу локал аралашмали ҳолатлар энергиялари системанинг узлуксиз спектрига нисбатан турли томонларда ҳам ётиши мумкинлиги исботланган;

ν -ўлчовли ногейзенберг изотроп ферромагнетик моделида икки магنونли система энергия оператори $2\nu+1$ тадан кўп бўлмаган боғланган ҳолатларга эга бўлиши мумкинлиги ва системада ўзаро қўшни, иккинчи қўшни ва учинчи қўшни атомларгача бўлган таъсирларнинг қаралиши билан системада қўшишча боғланган ҳолатлар пайдо бўлиши мумкинлиги исботланган;

изотроп аралашмали ферромагнетик Гейзенберг моделида ва ногейзенберг моделида икки магنونли система энергия операторининг

муҳим спектри ν -ўлчовли панжарада тўрттадан ортиқ бўлмаган кесмаларнинг бирлашмасидан иборат бўлишлиги исботланган ва системанинг уч заррачали боғланган ҳолатлари сони учун қўйи ва юқори баҳолар олинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари тадқиқотлар натижасида олинган айниган ядроли ўз-ўзига қўшма интеграл ва қисман интеграл операторларнинг узлуксиз, дискрет спектрлари ва муҳим спектрлари структураси ва хос қийматлари сони учун олинган қўйи ва юқори баҳолар математик физика, квант механикаси ва статистик физика масалаларини ечишда, хусусан, Гейзенберг ва ногейзенберг ферромагнетикларининг энергетик спектрини, яъни магнит хоссаларини аниқлашда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чизиқли операторлар назарияси ва чизиқли алгебранинг, матрицалар назарияси, интеграл тенгламалар назариясининг асосий теоремаларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қабтиллиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти квант физикаси, квант механикаси ва қаттиқ jismlar физикасида экспериментал кузатувлар ўтказишга назарий асос сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади. Олинган натижалар магнитли ярим ўтказгичлар физикасида ҳам ўз тадбиқини топиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотлар натижасида олинган айниган ядроли ўз-ўзига қўшма интеграл операторларнинг ва қисман интеграл операторларнинг узлуксиз, дискрет спектри ва муҳим спектрлари структураси ва хос қийматлари сони учун олинган қўйи ва юқори баҳолар уларга мос келувчи физик системалар энергетик спектрининг ўзгариш картинасини тадқиқ қилиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Ногейзенберг моделларида икки магنونли система энергия операторининг узлуксиз, дискрет спектрлари ва муҳим спектри структурасига, хос қийматлари сони учун олинган баҳоларга оид илмий натижалар қуйидаги йўналишларда амалиётга жорий қилинган:

Гейзенберг изотроп ферромагнетик аралашмали моделида ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда икки магنونли система энергия операторининг муҳим спектри структураси ва дискрет спектрига оид натижалар ERGS 13-024-0057 рақамли “П-адик статистик моделлар ва Бозе-Эйнштейн конденсатининг локал уйғониш динамикаси“ мавзусидаги илмий тадқиқот гранти лойиҳасида гамилтонианларнинг муҳим ва дискрет спектрларини тавсифлашда қўлланилган (Малайзия халқаро ислом университетининг 2016 йил 12 июлдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Гейзенберг ферромагнетик модели билан боғлиқ бўлган бир қатор гамилтонианли системалар энергия операторларининг муҳим спектри структурасини ва дискрет спектрини тавсифлаш имконини берган;

Гейзенберг изотроп ферромагнетик аралашмали моделида ва ногейзенберг изотроп ферромагнетик аралашмали моделида ўзаро қўшни

атомларгача таъсирлашувчи бир магنونли ва икки магنونли системалар спектрига оид натижалардан STEM 1515-2016 рақамли "Топологик алгебралар ва тадбиқлари" мавзусидаги илмий тадқиқот гранти лойиҳасида Шредингер операторларининг спектрини тавсифлашда фойдаланилган (St. John's университети Математика ва Информацион технологиялар факультетининг 2016 йил 22 декабрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Шредингер операторларига доир эргодик типдаги теоремаларни тавсифлаш имконини берган;

Ногейзенберг изотроп ферромагнетик моделида ўзаро қўшни атомларгача таъсирлашувчи икки магنونли системалар спектрига оид натижалар РФФИ 15-11-30013 рақамли "Функционал фазолардаги оператор тенгламалар назарияси ва тадбиқлари" мавзусидаги илмий тадқиқот гранти лойиҳасида Гильберт фазосидаги операторларнинг муҳим ва дискрет спектрларини тавсифлашда қўлланилган (Россия Федерацияси В. И. Вернадский номли Қрим Федерал университети Таврия академиясининг 2016 йил 12 декабрдаги 3-29-18 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши функционал фазолардаги Шредингер операторлари билан боғлиқ бўлган оператор тенгламаларни ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 23 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 61 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 мақола, жумладан, 10 таси хорижий ва 13 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, ҳар бири параграфларга бўлинувчи бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертацияда ҳар бир бобдаги теоремалар, леммалар, предложениялар, таърифлар, изоҳлар ва формулалар учта сондан иборат қилиб белгиланган, булардан биринчиси бобнинг, иккинчиси эса параграфнинг, учинчиси эса параграф ичидаги тартиб номерини билдиради. Диссертациянинг ҳажми 220 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён

этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ва ишончлилиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Аралашмали ферромагнетик моделларда бир магنونли система энергия операторининг спектри ва локал аралашмали ҳолатлари”** деб номланувчи биринчи боби Гейзенберг ва ногейзенберг изотроп ферромагнетик аралашмали моделларидаги, шунингдек ногейзенберг анизотроп ферромагнетик аралашмали моделларидаги бир магنونли системалар энергия операторларининг спектри ва локал аралашмали ҳолатларини тавсифлашга бағишланган. Дастлаб диссертация ишининг асосий натижаларини баён қилиш учун зарур бўладиган квант механикаси, чизикли операторларнинг спектрал анализи, Фурье алмаштиришлари назарияси, Гильберт фазоларининг тензор кўпайтмаси ва Гильберт фазоларидаги чизикли операторларнинг тензор кўпайтмасига доир тушунчалар ва фактлар келтирилган.

Гейзенберг изотроп ферромагнетик аралашмали моделида ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда бир магنونли система энергия операторининг спектри ва локал аралашмали ҳолатлари ν -ўлчовли панжара Z^ν да тадқиқ қилинган. Системанинг локал аралашмали ҳолатлари, уларнинг мавжуд бўлиш шартлари, мавжудлик соҳалари ва улар энергияларининг айниш карраликлари топилган. Система энергияларининг қийматлари мос равишда, айнамаган, ν - каррали ва $(\nu-1)$ - каррали айниган учтадан кўп бўлмаган турдаги локал аралашмали ҳолатларга эга бўлиши исботланган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу ҳолда барча локал аралашмали ҳолатлар энергиялари системанинг узлуксиз спектрига нисбатан фақатгина бир томонда ётади.

Қаралаётган системанинг гамильтониани қуйидаги кўринишда бўлади:

$$H = J \sum_{m,\tau} (\vec{S}_m \vec{S}_{m+\tau}) + (J_0 - J) \sum_{\tau} (\vec{S}_0 \vec{S}_{\tau}),$$

ва у симметрик Фок фазоси E да таъсир этади. Бу ерда $\vec{S}_m = (S_m^x; S_m^y; S_m^z)$, $m \in Z^\nu$ тугундаги $s=1/2$ атом спин оператори, $J > 0$ – Z^ν панжарадаги ўзаро қўшни атомлар орасидаги бичизикли алмашиш ўзаро таъсир параметри, $J_0 \neq 0$ – атомлар ва аралашма атоми орасидаги бичизикли алмашиш ўзаро таъсир параметри. Бу ҳолда S_m^x , S_m^y , S_m^z операторлари Паули матрицаларидан иборат бўлади. φ_0 орқали $S_m^+ \varphi_0 = 0$, $S_m^z \varphi_0 = (1/2)\varphi_0$, $\|\varphi_0\| = 1$ шартлари ёрдамида бир қийматли аниқланган вакуум векторини белгилаймиз. $S_m^- \varphi_0$ кўринишдаги векторлар m тугунда жойлашган бир магنونли системалар ҳолатини ифодалайди. E_1 орқали бу векторларга тортилган Гильберт фазосини белгилаймиз. У H операторнинг таъсирига нисбатан инвариант бўлади ва H операторнинг бир магنونли ҳолати фазоси деб аталади. H_1 орқали H операторнинг E_1 фазога қисқартирилганини белгилаймиз.

$F: L_2(Z^\nu) \rightarrow L_2(T^\nu) := \tilde{E}_1$ – орқали Фурье алмаштиришини белгилаймиз, бу ерда T^ν – нормалланган Лебег ўлчови $d\lambda$ билан таъминланган ν – ўлчовли тор: $\lambda(T^\nu) = 1$. $\tilde{H}_1 = FH_1F^{-1}$ деб оламиз. \tilde{H}_1 операторнинг \tilde{E}_1 фазодаги таъсири H_1 операторининг квазиимпульсли кўриниши деб аталади.

\tilde{H}_1 оператори квазиимпульсли кўринишда $L_2(T^\nu)$ фазода куйидаги формула ёрдамида таъсир этади:

$$(\tilde{H}_1 f)(x) = h(x)f(x) + \int_{T^\nu} h_1(x;t)f(t)dt,$$

бу ерда $h(x) = -2J\nu + 2J \sum_{i=1}^{\nu} \cos x_i$, $h_1(x;t) = -2\varepsilon\{\nu + \sum_{i=1}^{\nu} [\cos(x_i - t_i) - \cos x_i - \cos t_i]\}$,

$$\varepsilon = J_0 - J; x, t \in T^\nu.$$

\tilde{H}_1 операторнинг узлуксиз спектри $h_1(x;t)$ функцияга боғлиқ бўлмайди ва $[m_\nu; M_\nu]$ кесмани бутунлай тўлдиради, бу ерда $m_\nu = \min_x h(x)$, $M_\nu = \max_x h(x)$.

Таъриф 1. \tilde{H}_1 операторнинг $z \notin [m_\nu; M_\nu]$ хос қийматида мос келувчи $\varphi \in L_2(T^\nu)$ хос функцияси \tilde{H}_1 операторнинг локал аралашмали ҳолати деб, z – миқдори эса шу ҳолатнинг энергияси деб аталади.

P орқали $(J; \varepsilon)$ жуфтликни белгилаймиз ва $\nu = 1$ бўлганда бу P жуфтликнинг куйидаги саккизта тўпламини киритамиз: $G_1 = \{P: J < 0, 0 < \varepsilon \leq -J\}$, $G_2 = \{P: J > 0, -J \leq \varepsilon < 0\}$, $G_3 = \{P: J > 0, 0 < \varepsilon \leq J\}$, $G_4 = \{P: J < 0, J \leq \varepsilon < 0\}$, $G_5 = \{P:$

$$J > 0, \varepsilon > J\}, G_6 = \{P: J < 0, \varepsilon > -J\}, G_7 = \{P: J > 0, \varepsilon < -J\}, G_8 = \{P: J < 0, \varepsilon < J\}.$$

$$z_1 = \frac{(J + \varepsilon)(J - 3\varepsilon - \sqrt{D})}{2\varepsilon}, z_2 = -\frac{(J + \varepsilon)^2}{\varepsilon}, z_3 = \frac{(J + \varepsilon)(J - 3\varepsilon + \sqrt{D})}{2\varepsilon} \text{ деб оламиз,}$$

бу ерда $D = (J + \varepsilon)(J + 9\varepsilon)$.

Теорема 1. а). Агар $P \in G_1 \cup G_2$ бўлса, у ҳолда \tilde{H}_1 оператори локал аралашмали ҳолатларга эга бўлмайди, яъни \tilde{H}_1 оператори узлуксиз спектрдан ташқарида ётувчи хос қийматларга эга бўлмайди.

б). Агар $P \in G_3$ ($P \in G_4$) бўлса, у ҳолда \tilde{H}_1 оператори энергиясининг қиймати $z = z_1$ ($z = z_3$) га тенг бўлган ягона локал аралашмали ҳолат φ га эга бўлади. Бундан ташқари, $z_1 < m_1$ ($z_3 > M_1$) ва локал аралашмали ҳолат айнимагандир, яъни z хос қиймат оддийдир.

в). Агар $P \in G_5 \cup G_6$, ($P \in G_7 \cup G_8$) бўлса, у ҳолда \tilde{H}_1 оператори энергияларининг қийматлари мос равишда $z = z_1$ ва $z = z_2$ ($z = z_2$ ва $z = z_3$) ларга тенг бўлган иккита локал аралашмали ҳолатлар φ_1 ва φ_2 ларга эга бўлади. Шу билан биргаликда, $z_1 < z_2$ ($z_2 < z_3$) ва $z_i < m_1, i = 1, 2$ ($z_j > M_1, j = 2, 3$), бундан ташқари, бу энергияларнинг қийматлари айнимагандир.

$\nu = 2, 3$ бўлган ҳоллар учун шунга ўхшаш натижалар олинган, яъни, системанинг локал аралашмали ҳолатлари, уларнинг мавжуд бўлиш

шартлари топилган ва улар энергияларининг айниш карраликлари ҳисобланган.

Спинининг қиймати ихтиёрий бўлган ногейзенберг изотроп ферромагнетик аралашмали моделида бир магنونли система энергия операторининг спектри ва локал аралашмали ҳолатлари ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда тадқиқ қилинган. Системада энергияларининг қийматлари мос равишда айнамаган, ν –каррали ва $(\nu-1)$ –каррали айниган учтадан кўп бўлмаган турдаги локал аралашмали ҳолатлар мавжуд бўлиши исботланган. Бу локал аралашмали ҳолатларнинг энергиялари системанинг узлуксиз спектрига нисбатан фақатгина бир томонда ётиши аниқланган. Бу локал аралашмали ҳолатларнинг энергиялари мультитол алмашиш таъсир параметрларининг қийматларига ва спинга боғлиқ бўлади. Шундай ҳол борки, бу ҳолда система икки типдаги локал аралашмали ҳолатларга эга бўлади, бу локал аралашмали ҳолатларнинг энергиялари айнамаган ва $(2\nu-1)$ –каррали айнигандир.

Спинининг қиймати ихтиёрий бўлган ногейзенберг анизотроп ферромагнит аралашмали моделида бир магنونли система энергия операторининг спектри ва локал аралашмали ҳолатлари ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда тадқиқ қилинган.

Қаралаётган системанинг гамильтониани куйидаги кўринишда бўлади:

$$H = -\sum_{n=1}^{2s} J_n \sum_{m,\tau} [S_m^z S_{m+\tau}^z + \frac{\alpha}{2} (S_m^- S_{m+\tau}^+ + S_m^+ S_{m+\tau}^-)]^n - \sum_{n=1}^{2s} (J_n^0 - J_n) \sum_{\tau} [S_0^z S_{\tau}^z + \frac{\alpha}{2} (S_0^- S_{\tau}^+ + S_0^+ S_{\tau}^-)]^n,$$

ва у симметрик Фок фазоси E да таъсир этади. Бу ерда α – ҳақиқий сон, анизотропия параметри, $J_n, n = 1, 2, \dots, 2s$ – панжарадаги қўшни атомлар орасидаги ўзаро мультитол алмашиш таъсир параметрлари, $J_n^0, n = 1, 2, \dots, 2s$ – атомлар ва аралашма атоми орасидаги ўзаро мультитол алмашиш таъсир параметрларидир, τ эса ўзаро қўшни атомлар бўйича суммалашни билдиради, $\tau = \pm e_j, j = 1, 2, \dots, \nu$, бу ерда e_j бирлик ортлардир. Ногейзенберг анизотроп моделида системада қўшимча локал аралашмали ҳолатлар мавжуд бўлиши мумкинлиги ёки изотроп ҳол билан таққослаганда баъзи бир локал аралашмали ҳолатлар йўқолиши мумкинлиги исботланган.

Диссертациянинг “**Ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда икки магنونли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатлари**“ деб аталувчи иккинчи бобида спинининг қиймати ихтиёрий бўлган икки магنونли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатлари ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда ν – ўлчовли Z^{ν} панжарада ногейзенберг изотроп ферромагнетикларида тадқиқ қилинган.

Бичизикли ва биквадратик алмашиш таъсиридаги, яъни спинининг қиймати $s = 1$ бўлган икки магنونли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатлари ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда ν – ўлчовли ногейзенберг изотроп ферромагнетикларида тадқиқ қилинган.

Спиннинг S^z компонентаси берилган s да $s, s-1, \dots, -s$ қийматларини, яъни ҳаммаси бўлиб $2s+1$ та қиймат қабул қилади. Шунинг учун ҳам спинининг қиймати s бўлган атомнинг спинлари $2s+1$ та ориентацияга эга бўлади.

Диссертация ишида биз икки магنونли системанинг спектри ва боғланган ҳолатларини S^z компонентаси s га тенг қиймат қабул қилган секторда тадқиқ қиламиз.

Системанинг боғланган ҳолатларининг мавжуд бўлиш шартлари топилган ва бу боғланган ҳолатлар энергиялари ҳисобланган. Система $2\nu+1$ тадан кўп бўлмаган (улар энергияларининг айниш карралликларини ҳисобга олган ҳолда) боғланган ҳолатларга эга бўлиши мумкинлиги кўрсатилган.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ногейзенберг ҳолида системанинг энергетик спектрининг сифатий ўзгариш картинаси системанинг Гейзенберг ҳолидаги энергетик спектрининг сифатий ўзгариш картинасидан кескин фарқ қилади. Хусусан, ногейзенберг ҳолида системада янги қўшимча боғланган ҳолатлар пайдо бўлади.

φ_0 орқали $S_m^+ \varphi_0 = 0, S_m^z \varphi_0 = s \varphi_0, \|\varphi_0\| = 1$ шартлари ёрдамида бир қийматли аниқланадиган вакуум векторни белгилаймиз, бу ерда $s = 1, 3/2, 2, 5/2, \dots$ - спиннинг қиймати, $S_m^\pm = S_m^x \pm i S_m^y$ деб оламиз. $S_m^- S_n^- \varphi_0$ векторлари $m, n \in Z^\nu$ тугунларда жойлашган икки магنونли системанинг ҳолатини ифодалайди.

E_2 орқали бу векторларга тортилган *Гильберт фазосини* белгилаймиз. Бу фазо H операторнинг *икки магنونли фазоси* деб аталади. H_2 орқали H операторнинг E_2 фазога қисқартирилганини белгилаймиз.

$F: L_2(Z^\nu \times Z^\nu) \rightarrow L_2(T^\nu \times T^\nu) := \tilde{E}_2$ - Фурье алмаштириши ва $\tilde{H}_2 = FH_2F^{-1}$ бўлсин.

H_2 оператори квазиимпульсли кўринишда \tilde{E}_2 фазода

$$(\tilde{H}_2 f)(x; y) = h(x; y) f(x; y) + \int_{T^\nu} h_1(x; y; t) f(t; x + y - t) dt$$

формула ёрдамида таъсир қилади, бу ерда $h(x; y)$ ва $h_1(x; y; t)$ лар 2π - даврли даврий, узлуксиз функциялардир.

Системанинг тўла квазиимпульси $x + y = \Lambda$ фиксирланган бўлсин. $L_2(\Gamma_\Lambda)$ орқали $\Gamma_\Lambda = \{(x; y) : x + y = \Lambda\} \subset T^\nu \times T^\nu$ тўпلامда квадратлари билан жамланувчи функциялар фазосини белгилаймиз.

\tilde{H}_2 оператори силжитиш оператори $(U_s f)(t) = f(t - s), t, s \in T^\nu, f \in L_2(T^\nu)$ билан коммутация қилгани учун ҳам, \tilde{H}_2 оператори диагоналландувчи оператордир, яъни, \tilde{H}_2 оператори ва \tilde{E}_2 фазосини $\tilde{H}_{2\Lambda}$ операторларининг ва $\tilde{E}_{2\Lambda}$ фазоларининг тўғри интегралларига ёйиш мумкин: $\tilde{H}_2 = \int_{T^\nu} \oplus \tilde{H}_{2\Lambda} d\Lambda,$

$\tilde{E}_2 = \int_{T^\nu} \oplus \tilde{E}_{2\Lambda} d\Lambda.$ $\tilde{H}_{2\Lambda}$ оператори ва $\tilde{E}_{2\Lambda}$ фазолари шундайки, $\tilde{E}_{2\Lambda}$ фазолари $\tilde{H}_{2\Lambda}$

операторларига нисбатан инвариант бўлади, $\tilde{H}_{2\Lambda}$ операторлари эса $\tilde{E}_{2\Lambda}$ фазоларида қуйидаги формула ёрдамида таъсир этади:

$$(\tilde{H}_{2\Lambda} f_\Lambda)(x) = h_\Lambda(x) f_\Lambda(x) + \int_{T^v} h_{1\Lambda}(x;t) f_\Lambda(t) dt, \quad h_\Lambda(x) = h(x; \Lambda - x), \quad h_{1\Lambda}(x;t) = h_1(x; \Lambda - x; t)$$

ва $f_\Lambda(x) = f(x; \Lambda - x)$.

$\tilde{H}_{2\Lambda}$ операторнинг узлуксиз спектри $h_{1\Lambda}(x;t)$ функцияга боғлиқ бўлмайди ва $[m_\Lambda^v; M_\Lambda^v] = G_\Lambda^v$ кесмадан иборат бўлади, бу ерда $m_\Lambda^v = \inf_{x \in T^v} h_\Lambda(x)$, $M_\Lambda^v = \sup_{x \in T^v} h_\Lambda(x)$.

Таъриф 2. $\tilde{H}_{2\Lambda}$ операторининг $z_\Lambda \notin G_\Lambda^v$ хос қийматига мос келувчи $\varphi_\Lambda \in L_2(T^v)$ хос функцияси \tilde{H}_2 операторининг Λ квазимпульсли боғланган ҳолати деб, z_Λ эса шу боғланган ҳолатларнинг энергияси деб аталади.

Теорема 2. $J = 2J_1$ ва ν ихтиёрий бўлсин. U ҳолда \tilde{H}_2 оператори энергиялари $z_1 = -2J_1$ ва $z_2 = -(4\nu + 2)J_1 - 4J_1 \sum_{i=1}^v \cos \Lambda_i$ ларга тенг бўлган иккита φ_1 ва φ_2 (улар энергияларининг айниш карраликларини ҳисобга олмаганда) боғланган ҳолатларга эга бўлади ва z_1 энергия ν каррали айниган, z_2 энергия эса айнимагандир ва барча $\Lambda \in T^v$ лар учун $z_i < m_\Lambda^v$, $i = 1, 2$, яъни бу боғланган ҳолатларнинг энергиялари узлуксиз спектрдан қуйида ётади.

Спинининг қиймати $s = 3/2$ бўлган икки магنونли система энергия операторининг спектри ва боғланган ҳолатлари ν -ўлчовли изотроп ногейзенберг ферромагнетикида ўзаро қўшни атомларгача бўлган таъсирда ўрганилган. Бу системанинг гамильтониани

$$H = -J \sum_{m,\tau} (\vec{S}_m \vec{S}_{m+\tau}) - J_1 \sum_{m,\tau} (\vec{S}_m \vec{S}_{m+\tau})^2 - J_2 \sum_{m,\tau} (\vec{S}_m \vec{S}_{m+\tau})^3,$$

кўринишга эга бўлади, бу ерда $J > 0$, $J_1 > 0$ ва $J_2 > 0$ – параметрлар, мос равишда, Z^v панжарадаги ўзаро қўшни атомлар орасидаги бичизиқли, биквадратик ва квадрупол алмашиш таъсир параметрлари.

J, J_1, J_2 ларнинг қандай қийматларида системанинг боғланган ҳолатлари мавжуд бўлиши, бу боғланган ҳолатлар энергияларининг қийматлари, айниш карраликлари топилган.

$\tilde{\pi} = (\pi; \pi; \dots; \pi) \in T^v$ ва $A = J - 3J_1 + 9J_2$, $C = J + J_1 - 23J_2$ деб белгилаймиз.

$\nu = 1$ ҳолни қараймиз ва $z_1 = 0$ ва $z_2 = 12A - \frac{2C^2 + 18A^2 \cos^2 \frac{\Lambda}{2}}{C}$ деб олаимиз.

Теорема 3. I. $A > 0, C > 0$ ва $\Lambda \in (0; \pi)$ ($\Lambda \in (\pi; 2\pi)$) бўлсин. U ҳолда

а). Агар $C \neq 3A \cos \frac{\Lambda}{2}$ ($C \neq -3A \cos \frac{\Lambda}{2}$) бўлса, U ҳолда \tilde{H}_2 оператори энергиялари $z_i < m_\Lambda^{(1)}$, $i = 1, 2$ ларга тенг бўлган иккита боғланган ҳолатга эга бўлади.

б). Агар $C = 3A \cos \frac{\Lambda}{2}$ ($C = -3A \cos \frac{\Lambda}{2}$) бўлса, у ҳолда \tilde{H}_2 оператори энергиясининг қиймати $z_1 < m_\Lambda^{(1)}$ га тенг бўлган ягона боғланган ҳолатга эга бўлади.

II. $A > 0, C < 0$ ва $\Lambda \in (0; \pi)$ ($\Lambda \in (\pi; 2\pi)$) бўлсин. У ҳолда

